

# **БҮЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА САНОГЕН ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ**

**Исмаилов Муродулла Кахрамонович**

*Термиз давлат университети Педагогика ва ижтимоий иш кафедраси  
доценти, п.ф.б.ф.д. (PhD)*

**Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф томонидан саноген тафаккурни ривожлантириш зарурияти асосланиб, саноген фикр юритишнинг ўзига хос педагогик ва психологик хусусиятлари изоҳланган. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш жараёнига таъсир этувчи психологик, ижтимоий ҳамда педагогик омиллар мазмуни таҳлил қилинган.

**Таянч иборалар:** тафаккур, фикрий акс эттириш, саноген фикрлаш, патоген фикрлаш, мотивация, мотивацион соҳа, когнитив соҳа, педагогик омил.

## **КИРИШ**

Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожида инсон ақлзаковати ҳамда маънавияти жамиятни ривожлантирувчи муҳим омил ва восита эканлиги тобора аён бўлиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун зарур ижтимоий фаол фуқаролар, юксак савияга эга мутахассислар, меҳнат бозорида рақобатбардош ва инновацион таълим мухитида ҳамкорликдаги фаолиятга қодир шахсни тайёрлаш зарурати билан боғлиқ педагогик кадрларни тайёрлаш муаммосини янада долзарблаштирумокда. Айниқса, педагог кадрларни тайёрлаш халқаро дастурида талабалар фаолиятини ривожлантиришнинг “фикрий акс эттириш амалиёти”га (reflective practitioner) [1] йўналтирилган тактикасини такомиллаштириш, ижодий ва рационал ёндашув уйғунлигини таъминлашнинг педагогик механизmlарини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, замонавий олий таълим тизимида ўқув-тарбия жараёни шахсий инсонпарвар ёндашув тамойили асосида ташкил этилиши ҳамда талабаларда янгича инновацион фикрлаш кўниkmаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

“Тафаккур” тушунчасини таҳлил этиш асосида унинг қуйидаги асосий хусусиятларга эга эканлиги ҳақидаги хulosага келинган: 1) тафаккур воқеа-



ҳодисаларни аник ва умумлашган ҳолда акс эттиришга имкон беради; 2) борлиқни билвосита акс эттиради, яъни инсон ўзлаштирган тажрибалариға таянган ҳолда янги билимларни ҳосил қиласи. 3) ижодий фикр юритиш ва фаолиятдаги ижодкорлик инсон тафаккурининг муҳим хусусияти ҳисобланади. 4) тафаккур тил билан бевосита боғлиқ. Чунки, фикрлашни, тафаккур юритишни идеал ва ижтимоий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Сабаби у фақатгина тил воситасида реалликка айланади. Натижада, барча учун тушунарлы ва бевосита қабул қилинадиган, ҳис этадиган шаклга киради ва инсонлар ўртасида ўзаро фикр алмашиш вазифасини бажаради. Демак, тил инсон тафаккурининг реал воқелик касб этишига хизмат қиласи.

Тафаккур ва унинг ўзига хос хусусиятлари «саноген тафаккур» ва «патоген тафаккур» тушунчалари мазмунини аниқлаштириш имконини беради.

Ҳар бир инсон нафақат ўзининг ҳис-туйғуларини ва хатти-харакатларини назорат қилиши, балки муайян қоидаларга мувофиқ фикрлаш тарзини ҳам назорат қила олиши керак. Мазкур ҳолат билан боғлиқликда педагог-психолог олимлар фикрлашнинг иккита турини ажратиб кўрсатишиади: саноген ва патоген fikrlash (Ю.М.Орлов [16, с.96], В.Н.Опарина [15, с.25], С.Н.Морозюк [11, 12], Т.Н.Василева [3, с.46]).

Саноген фикрлаш ички низо, зўриқишиш ва хавотирни камайтириб, ҳис-туйғуларни, эҳтиёжлар ва истакларни бошқаришга имкон беради ва шунга кўра ижтимоий мақбул хулқ-атворни шакллантиради. Ю.Орлов бундай фикрлашни саноген фикрлаш деб атайди. Аксинча, маданият талаблари асосида дастурлаштирилган, автоматизм ва ижтимоий стереотип асосидаги оддий фикрлашга патоген фикрлаш дейилади.

Саноген ва патоген фикрлаш шаклларининг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштириш лозим (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Саноген ва патоген фикрлашнинг ўзига хос жиҳатлари<sup>1</sup>

Саноген фикрлаш	Патоген фикрлаш
Тафаккурнинг динамиклиги, мослашувчанлиги, рефлексивлиги: инсон фикрлаш тарзи билан боғлиқ барча ҳолатларни кузатади.	Тўлиқ тасаввур эркинлиги: онг билан бошқарилмайдиган воқелиқдан ажralиш - фикрларни бошқариш ва чеклаш одатининг йўқлиги.
Интроспекция: таҳлилга асосланган, инсоннинг ўз-ўзини ички кузатуви фонида	Доимий хавотирли вазият, салбий тажрибани тўплашга ҳисса қўшади, доимий

<sup>1</sup> Ушбу жадвал тадқиқот иши давомида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



амалга ошириладиган фикрлар.	безовталик күпроқ күч талаб қиласы. Фикрлашдаги стереотиплик.
Киши рухий ҳолатларнинг тузилишини билади: у ишончсизлик, айборлик, муваффақиятизлик ва бошқа воқелик қандай ишлашини тушунади.	Рефлексивлик қобилиятининг түлилік йүқлиги, үзини ва ўз ҳолатини ташқи томондан күриб чиқиш, вазиятта түғри баҳо бериш күникмасининг мавжуд әмаслигі.
Ижтимоий стереотиплар, маданий хулқатвор дастурлари ҳақида индивидуал билимнинг мавжудлігі	Салбий эмоцияларга йұналғанлик ҳамда муваффақиятизлик, ўз-ўзига нисбатан ишончнинг пастлигі, иродасизлик каби сифатлар харakterлидір.
Фикрлашдаги рангбаранглик, диққатнинг барқарорлығы ва иродавийлік: бу ўз-ўзини таҳлил қилиш имконини беради.	Фикрий жараёнларнинг онгизлигі: бу ўз-ўзимизни, ҳолатимизни назорат қила олмаслигимиз билан изохланади.
Фикрлаш ва тасаввурни бошқариш қобилиятини ҳосил қиласы.	Фикрлашдаги назоратсизлик, әхтиёж ва мотивларнинг бекарорлығы.
Локус (ўз-ўзини күзатиш) назоратнинг юқориилигі - бу ижобий фаолият натижасини таъминлайды.	Інсонға вазиятни ҳиссий жиҳатдан ижобий акс эттириш имконини бермайды, бу эса сурункали стрессни, үзи ва бошқалар билан зиддиятларни келтириб чиқаради.
Шахсга ҳаёттій фаолиятда юзага келадиган муаммоларга конструктив тус берішга, деструктив йұналишдагиларидан эса сақланиш имконини беради.	Ҳиссий эмоционал қобилият даражасининг пастлигі ва аксинча, ҳимоя рефлексиясининг юқориилигі.
Муаммоли вазиятлардан психологияк жиҳатдан оқилона (ўзига ва саломатлилигига салбий таъсир этмаган ҳолда) чиқиш имконини беради.	Шахсий акс эттиришнинг қуйи даражада эканлиги муаммоли вазиятларни түғри таҳлил қилиш имконини бермайды.

## МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Бұлажак үқитувчиларнинг саноген тафаккурини ривожлантиришда аввало саноген тафаккурнинг ҳам фалсафий, ҳам психологик, ҳам педагогик категория эканлигини назарда тутиш зарур. Чунки, саноген тафаккур уларнинг барчасини ўз мазмуннанда мужассам этади.

Үзини үзи камолотта етказиш жараёни, ўз-ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари (ўзини-ўзи таҳлил қилиш, назорат этиш, баҳолаш, текшириш ва бошқалар) талабалик йилларида ёшларнинг ҳаёти ва фаолиятида мұхим рол үйнайды ҳамда апоҳида ақамият касб этади. Мазкур ёш даврида ўзини-ўзи ривожлантириш ва бошқаришнинг таркибий қисмлари идеал (юксак, барқарор, барқамол) «Мен»ни реал (аниқ, ҳақиқий) «Мен» билан таққослаш орқали амалий ифодага әга бўлади. Бундан ташқари, талабалик даврининг дастлабки йиллари идеал «Мен» муайян мезон асосида етарли даражада текшириб





кўрилмаганлиги ҳамда реал «Мен» ҳам шахснинг ҳақиқий баҳосидан анча йироқлиги билан характерланади.

Талаба шахсининг такомиллашуvida бундай объектив қарама-қаршиликлар ўз шахсиятига нисбатан ички ишончсизликни, ўқишга нисбатан эса салбий муносабатни вужудга келтириши мумкин. Бу эса, талабаларда саноген тафаккурни ривожлантириш масаласини ижтимоий зарурият сифатида белгилайди. Шундан келиб чиқиб, дастлаб саноген фикр юритиш мазмунини илмий асосда ўрганиш ва бўлажак ўқитувчиларда соғлом тафаккурни ривожлантириш жараёнига таъсир этувчи омилларни аниқлаштириш талаб этилади.

Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш жараёнига қатор омиллар таъсир кўрсатишини инобатга олиш лозим. Саноген тафаккур муаммосини тадқиқ этувчи тиббий-фалсафий йўналишда соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган шахсий гигиеник қоидалар йиғиндиси, тиббий терапия воситалари ва маънавий ҳамда моддий олам уйғунлиги омил сифатида баҳоланса, педагогик-психология йўналишидаги илмий тадқиқот ишларида эса ижтимоий-педагогик омилларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилади.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Педагог олим Б.Ходжаев ўқувчиларда тарихий тафаккурни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни уйғун ҳолатда ўрганиб, тўрт гурӯхга ажратади: ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий, психологик ва педагогик [17, 44-60-б.]. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз лозимки, тадқиқотчи томонидан тасниф этилган тарихий тафаккурни ривожлантиришга таъсир этувчи психологик ва педагогик омиллар бўлажак ўқитувчиларнинг саноген тафаккурини ривожлантириш жараёнига ҳам тааллуқли ҳисобланади.

Саноген тафаккур ўзида мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳам тақозо этади. Ж.Мусаев шахсда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришни таъминловчи қўйидаги омилларга ўз эътиборини қаратган:

- назарий билимларнинг мавжудлиги;
- мавжуд муаммоларни таҳлил эта олиш кўникмаларининг шаклланганлиги;
- ўзгалар фикрини тинглай олиш кўникмасига эгалиги;
- ўз фаолиятини мақсадли ташкил эта олиши;
- орттирилган тажрибаларга таяна олиши;
- атроф-муҳит билан ишчан мулоқот ўrnата олиши [13, 114 б.].

Инсон тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришга доир амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлили ҳамда тадқиқот мавзуси



доирасида ташкил этилган эмпирик тадқиқот натижалари асосида бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришга таъсир этувчи асосий жиҳатлар (омиллар) шартли равишда уч туруга ажратилди: объектив, субъектив ва педагогик омиллар.



Бизга маълумки, инсон тафаккурининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи объектив (ташқи, ижтимоий мұхит) омиллар алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан, бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришда объектив омиллар сифатида оила, ота-она муносабатлари, оиладаги соғлом тарбия ва соғлом мұхит, таълим муассасаси, тенгдошлар жамоаси, ижтимоийлашув жараёни каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим (1-расмга қаранг).

### **1-расм. Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг объектив (ижтимоий мұхит) омиллари**

Инсон ҳаётини фикрсиз, фикрлашсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тадқиқотчилар инсон тафаккурининг шаклланишида ижтимоий мұхит таъсирининг моҳиятини очиб берадилар: «фикрлашни жамиятга боғлиқ ҳодисадир дейиш мумкин».

Оила мураккаб ижтимоий гурӯҳ бўлиб, ғоявий ва психологик муносабатларнинг узвий бирлашуви натижасида вужудга келади. Оила жамиятнинг бошланғич ижтимоий бўғинидир. У ўзида оила аъзоларининг эҳтиёжлари, қизиқишлиари, майллари, тарбияси ва бошқа ижтимоий фаолият





турларини акс эттиради. Ота-оналарнинг бола шахсига илмий дунёқараш асослари, маънавий-ахлоқий, нафосат, меҳнат ва бошқа ижтимоий сифатларни шакллантириш мақсадида тизимли таъсир кўрсатиш жараёнига оилавий тарбия дейилади. Шу жиҳатдан, оиладаги ижтимоий муҳит инсон тафаккурининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим омил ҳисобланади.

Қўйида мазкур ёндашувларни очиб берувчи тадқиқотчи олимларнинг илмий хуносаларини ва фикрларини келтириб ўтамиз. Инсон шахси ва тафаккурининг ривожланишида оиланинг ўрни юқори эканлигини алоҳида таъкидлаган психолог олим В.И.Селиванов оилаларни қўйидаги тоифаларга ажратади:

1. Ижтимоий тараққиёт йўналишидаги оила.
2. Паст даражадаги ижтимоий йўналган оила.
3. Ўзаро зиддиятлик йўналишига эга бўлган оила [14, 43-б.] .

Биринчи тоифадаги оила аъзолари ижтимоий муносбатларда фаол, жамоатчи, маданиятли бўлиб, фарзандларида ҳам шу сифатларни тарбиялади. Оиладаги муносабатлар таъсирида илк болалиқдан бошлаб юксак ғояларга, умумбашарий ишларга содиқлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, шахсий қизиқиши бошқариш, қатъийлик, қадр-қиммат, самимилик каби юксак инсоний туйғулар, кечинмалар шакллана бошлайди.

Иккинчи тоифадаги оилада умумбашарий йўналиш узил-кесил ҳал қилинмаган бўлади. Бундай оила аъзолари ўз истак, хоҳиш, мотивларидан келиб чиқиб «ўз аравасини ўзи тортади» ва болаларга таъсир ўтказиш учун кураш кетади.

Учинчи тоифага мансуб оилаларда кўпгина мешчанлик удуми ва идеаллари ҳукм суради. Яъни, китоб ўқиши, ижтимоий фойдали амалий фаолият шаклларида иштирок этиш камситилиб, бекорга вақт сарфлаш деб баҳоланади. Шу боисдан бу каби оилаларда худбин, масъулиятсиз, жамият учун кам нафи тегадиган ўғил-қизлар етишиб чиқиши мумкин.

Шахсдаги турли хил фикр ва қарашлар фақатгина индивидуал тартибда эмас, балки ижтимоий муносабатлар таъсирида шаклланиб боради. Фикрлаш жараёни ижтимоий ҳодиса бўлиб, алоҳида бир шахснинг фикрлари, дунёқараши ижтимоий етилган фикрларнинг хусусий кўриниши сифатида баҳоланади. Ҳар бир инсон ижтимоий тушунчалар ва тасаввурлар ёрдамида фикрлайди. Демак, муайян шахс дунёқарашини жамиятда шаклланган ижтимоий онгнинг «тасодифий» ифодаловчиси» сифатида баҳолаш мумкин.

Америкалик педагог-психолог Дж.Дюи тафаккурининг ижтимоий психологик мөхиятини фикр тарбияси муаммосига боғлаб ўрганган олимлардан бири.





Унинг фикрича: “тажриба ва билимлар фикр манбай ҳисобланади. Агар шахс муаммо билан қисман таниш бўлса, у муаммони ҳал қилиш учун фикрлаши мумкин. Агар шахс олдида муаммо турса-ю, бундай шароитни ўз ичига олган тажриба бўлмаса шахс фикрламайди” [5, 41-б.].

Джон Дюи тафаккурнинг ривожланишини инсон тараққиётининг генезиси билан боғлаб, барча омиллар орасида боланинг ташқи ижтимоий муҳитга интилиш одатини муҳимдир деб ҳисоблаган. Фикрловчи онг ишлиши учун, олимнинг фикрича, уни доимо машқ қилдириши, янги одатлар билан бойитиб бориши керак, дейди. Зеро, инсон дастлабки ҳаётий ва ижтимоий билимларни оиласда ўзлаштиради. Мазкур муҳитдаги шахслараро муносабатлар ва тарбиянинг тўғри ташкил этилганлиги болада атрофдагилар билан яхши муносабатлар ўрнатишга бўлган мойиллигини оширади.

Ижтимоий-психологик муаммоларни тадқиқ этган олима В.Каримова шахснинг жамиятдаги мавқеи ва ундаги юксак инсоний фазилатлар фикрлаш жараёнининг мустақиллиги билан алоқадор эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, мазкур жараёнда оила, таълим-тарбия жараёни масалаларига жамоатчилик дикқатини қаратиб, узлуксиз таълим жараёнида амалга оширилаётган ислоҳотлар энг аввало ўқувчилар ва талабаларнинг мустақил фикрлашлари учун шарт-шароитлар яратиши ва бунда ўқув фаолияти кечадиган ижтимоий психологик муҳитнинг етакчи ролини таъкидлайди. “Қандай фикрлаш лозим?” муаммосига эътибор қаратган муаллиф, аслида фикрни илк ёшлиқдан тарбиялаш лозимлигини таъкидлайди ва унинг мезонларига эътибор беради: “Агар болада ёшлиғиданоқ ҳар бир нарса ҳодисанинг ўзига хос томонларини кўра олиш, ижодий ёндашув бўлса, демак, унинг тафаккури ижодий, эгилувчан, мослашувчан бўлиб, айнан шуларда мустақил тарзда мулоҳаза юритиш кузатилади” [10, 48-б.].

Демак, мустақил ва соғлом тафаккурни ривожлантириш учун “муҳит керак, бу муҳит албатта болага бевосита таъсир кўрсатади. Тобеликни чегараловчи ижтимоий психологик муҳитни аудиторияда шакллантириш учун ўқитувчи мунозара методларидан кенг фойдаланиши лозим.

С.Атаханова талаба-ёшларда соғлом тафаккурни шакллантириш масаласига тўхталиб, қуйидаги хulosага келган: биринчидан, уларни маънавий-естетик жиҳатдан тарбиялаш, иккинчидан, уларнинг жамият ҳаётидаги муаммоларга нисбатан фаол нуқтаи-назарини шакллантириш, учинчидан, бўлажак мутахассис сифатида уларда ўз билимини ошириб бориши ва ўз-ўзини ривожлантириш кўникмаларини шакллантириш лозим. Бу





эса, уларнинг истиқболда бутун жамият саломатлигини муҳофаза қилувчи ижтимоий гуруҳ сифатида талқин қилиниши учун асос бўлади [2].

Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш кўплаб субъектив омиллар таъсирини ҳисобга олишни талаб этади. Жумладан, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзига баҳо бериш; ўзини бошқа шахслар билан таққослаши; фикрларини эркин, очик, мазмунли ифодалashi; ўзгаларнинг фикрини эшита олиши ва муроса қила олиш каби эмоционал хусусиятлар; шахс мотивацион ва когнитив соҳаси ривожи, шахс хусусиятлари, ёш омили мазкур жараёнда муҳим аҳамият касб этади (2-расмга қаранг).

Мотивацион соҳа саноген тафаккурни ривожлантиришга таъсир этувчи субъектив омиллар сирасига киради. Бизга маълумки, исталган фаолият шакли муайян мотивлар таъсирида вужудга келади ва қулай шарт-шароитлар яратилиши натижасида амалга ошади.


“Мотив” (лотин. *motive* – ҳаракатга келтирувчи қизиқиш, эҳтиёж) – инсонни муайян фаолиятга ундовчи сабаб бўлиб, унинг натижасида турли хил эҳтиёжлар қондирилади.

“Мотивация” – бу инсонни фаолиятга ундашнинг мураккаб, кўп даражали тизими бўлиб, у ўзида эҳтиёжлар, қизиқишлиарни, мотивларни, идеалларни, интилишиларни, установкаларни, эмоцияларни, нормаларни, қадриятларни мужассамлаштиради [6, 110-б.].

Бунда, мотивация – мотивларнинг ҳаракатланиш жараёни, инсонни асосий фаолиятга ундовчи мотивлар йиғиндиси ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, субъектда кечадиган барча жараёнлар (физиологик, руҳий, когнитив, эмоционал ва бошқ.)да унинг мотивацион тизими ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шунингдек, субъектнинг мотивация тизими унда шахсий позициялар, яъни “Мен” образининг шаклланишида ҳам дастлабки мезон ҳисобланади.



### Саноген тафаккурни ривожлантиришга таъсир этувчи психологик (субъектив) омиллар



### 2-расм. Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг субъектив омиллари

Саноген тафаккурни ривожлантириш эмоционаллик билан узвий боғлиқ. Шахсдаги салбий ҳис-туйғуларни йўқотиш, ўрнини ижобийлари билан тўлдириш зарур. Масалан, талабаларда инсонпарварлик ва субъективлик тамойилига асосланган мулоқот услубини шакллантириш керак. Шу билан бирга талабада турли вазиятларда ўзига ишонч билан қараш туйғусини таркиб топтириш зарур. Агар, инсонпарварлик – бу бошқаларга нисбатан муносабатни ифодаласа, субъективлик эса ўз-ўзига ишонч, ўз-ўзига муносабатни англатади. Яъни, талабада реал маънодаги “Мен” ҳиссини ҳосил бўлишига хизмат қиласди.

Саноген тафаккурни ривожлантириш жараёни талабаларда когнитив фаолият кўникамларининг ривожланганлик даражаси билан боғлиқ. Когнитив ривожлантириш жараёнида инсоннинг олам ҳақида олган маълумотлари, унинг хотирада сақланиши ва билимга айлантирилишини ҳамда бу билимлар бизнинг дикқатимиз ва хатти-ҳаракатларимизга қандай таъсир қилиши жиҳатларига эътибор қаратилади. Когнитив соҳа билиш жараёнларининг барча спектрини қамраб олади – сезги, идрок этиш, дикқат, тушуниш, хотира, тасаввур, тушунчаларни шакллантириш (англаш), фикрлаш, хотирада сақлаш, тил, ҳиссиётлар ва интеллектнинг ривожланиш жараёнларига қадар.





Саноген тафаккурни ривожлантириш экзистенционал ёндашувни талаб қилади ва бу ўз-ўзидан шахсда “Мен” образининг шаклланганлик даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқлик касб этади. Экзистенционал ёндашувга кўра, бизда тўртта асосий шахсий позициялар мавжуд. Булар:

- 1) Мен “ёмон”, Сиз “яхши” (руҳий тушкунлик);
- 2) Мен “ёмон”, Сиз “ёмон” (умидсизлик);
- 3) Мен “яхши”, Сиз “ёмон” (устунлик);
- 4) Мен “яхши”, Сиз “яхши” (муваффақият) [4, 187-б.]. Демак, “Мен” образининг тўртинчи позицияси бу мутлақо соғлом фикрлашга эга бўлган шахс позицияси ҳисобланади.

Аслида, кўплаб инсонларда соғлом фикрлаш қобилияти мавжуд бўлса-да барқарор эмас. Чунки улар тез-тез бир позициядан бошқасига ўтиб туришади. Бундай типдаги инсонларга мустақиликка ва эмоционал барқарорликка эга бўлмаган шахслар мансубдир. Шундай қилиб, экзистенционал соҳа инсоннинг жисмоний ва руҳий ҳолатини бошқариш ҳамда уларни керакли даражада ушлаб туриш қобилияти бўлиб, ҳис-туйғулар ва ҳаракатлар, сўзлар ва ҳаракатларнинг уйғунлиги билан тавсифланади. Ушбу соҳа шахсга бошқа инсонлар билан муайян муносабатларга киришишга ёрдам беради. Чунки, шахснинг жамият аъзолари билан муносабатларга киришиши ижтимоий зарурият сифатида белгиланади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг саноген тафаккурини ривожлантиришда педагогик омилларнинг етакчилигини ҳам алоҳида эътироф этиш зарур. Мазкур омиллар юқорида баён этилган объектив ва субъектив омилларни ўзида бирлаштириб, яхлитлик касб этади. Саноген тафаккурни ривожлантиришда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, интерфаол таълим муҳитини яратишда талаба шахсига янгича ёндашув, мулоқот услуги, ўқитувчи фаолиятини модернизациялаш муҳим аҳамият касб этади (3-расмга қаранг).



## Саноген тафаккурни ривожлантиришга таъсир этувчи педагогик омиллар



### 3-расм. Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик омиллари

Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири бу педагогик жараённинг талаба шахсига нисбатан “субъект-объект” муносабатида эмас, аксинча, “субъект-субъект” муносабатида ташкил этилишидир.

Талабаларда мустақил фикр юритиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш учун, аввало талаба-ўқитувчи ўзаро муносабатларини тубдан ўзгартириш, талабани таълим жараёнининг фаол субъектига айлантириш лозимлигини кўрсатади. Буни самарали ташкил этишнинг бир қатор педагогик-психологик шартлари ва омиллари мавжуд. Буни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин:

- биринчидан, таълим берувчи (яъни, ўқитувчи) ёшларни қандай бўлса шундайлигича - иқтидори, лаёқати ва бошқа имкониятлари билан идрок қилишга, табиий тарзда қабул қилишга ўрганиши лозим;
- иккинчидан, таълим муассасаси амалда ёшларга дифференциал ёндашувни ташкил қилиши ва улардаги мавжуд имкониятларни эътиборга олиши зарур;
- учинчидан, таълим муассасасида ўқитишнинг янгича технологияси ва ёшлар ақлий фаолиятидан фойдаланишининг демократик турларини жорий этиш. Бунда асосий жиҳат талаба шахсини ҳурмат қилиш, унинг ҳар бир фикри ва юксалишига эътибор билан қараш талаб этилади;



- түртинчидан, таълим жараёнида хусусан - мунозара, диалог, брейнштурминг, дидактик ўйин каби бошқа интерфаол ўқитиш методларидан кенг ва ўринли фойдаланиш талабага кўпроқ ўз фикрларини изҳор қилиш учун имконият яратади;
- бешинчидан, эркин ва мустақил фикрлашни ривожлантириш учун ижтимоий педагогик қоида ва мезонларни тўла инобатга олиш зарур.

Педагогик жараёнда талабанинг “фаолият субъекти” сифатида иштирок этиши, ўзаро ҳамкорликдаги самарали фаолият ҳамда интерфаол таълим муҳитининг йўлга қўйилиши талабада эркин фикрлаш, мустақиллик, ижодкорлик сифатларининг ривожланишига хизмат қиласи.

Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш ўқитувчи-талаба ўртасидаги мулоқот услуби ва педагогик таъсир этиш воситаларига ҳам бевосита боғлиқ ҳисобланади. Педагогик-психологик луғатларда мулоқот тушунчасига икки хил таъриф берилади:

- 1) мулоқот – ҳамкорликдаги фаолият эҳтиёжи билан тақозоланган алоқа ўрнатиш ва уни ривожлантириш жараёни;
- 2) мулоқот – белгилар тизими орқали субъектларнинг ўзаро таъсирлашуви.

Педагогик муроқот деганда педагог ва тингловчилар жамоаси ўртасида ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг мазмунан ахборот айрибошлашдан, ўқувтарбиявий таъсир кўрсатиш ва ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил этишдан иборат тизими, усуслари ва малакалари тушунилади.

Педагог ва психолог олимлар муроқотнинг тарбиявий-дидактик аҳамиятини баҳолар экан, унинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўратади: фаол педагогик муроқот – ўқитувчининг, умуман олганда педагогик жамоанинг таълим-тарбия жараёнида тингловчиларни билиш ва ўрганиш калити ва ўқув фаолиятининг ижодий характеристери, тингловчи шахсининг шаклланиши учун энг яхши шароит яратадиган, таълим-тарбияда мақбул бўлган эмоционал муҳитни таъминловчи, жумладан, руҳий психологик тўсиқларнинг пайдо бўлишини олдини оладиган, таълим олувчилар жамоасида ижтимоий-психологик жараёнларни тўғри йўлга солиб бошқаришни таъминлайдиган ва ўқутарбиявий жараёнда ўқитувчининг ўз педагогик маҳоратидан оқилона фойдаланиши учун имкониятлар яратадиган муҳим восита ҳисобланади.

Педагогик жараёнда муроқотнинг энг кенг тарқалган уч туридан фойдаланилади: авторитар, демократик ва либерал.

*Авторитар* услуг. Таълим олувчилар фаолиятига тегишли барча масалаларни ўқитувчи якка ўзи ҳал қиласи, улар томонидан кўрсатиладиган





барча ташаббусни таъкиқлайди. Бу услубда мuloқот методлари сифатида буйруқ, кўрсатма бериш ва танбеҳ хизмат қилади. Натижада шахслараро муносабатларда барқарорлик шаклланмайди. Лекин, талабалар томонидан билимларнинг юқори даражада ўзлаштирилиши таъминланади.

**Демократик** услуг. Бунда ўқитувчи жамоа фикрига таянган ҳолда иш тутади, фаолият мақсадини барча таълим олувчига етказишга ҳаракат қилади, фаолиятнинг кечишини муҳокама қилишга барчани жалб этади; ўз вазифасини фақат назорат ва мувофиқлаштириш деб билмай, тарбия билан ҳам шуғулланади. Барча таълим олувчиларни рағбатлантиради ва уларда ўз-ўзига ишончни шакллантиради. Жамоада ўз-ўзини бошқариш ривожланади. Мустақил фикрлар ва ташаббуслар инобатга олинади. Шахслараро муносабатларда барқарорлик шаклланади.

**Либерал** услуг. Ўқитувчи жамоа ҳаётига аралашмасликка ҳаракат қилади, суст, муаммоларни юзаки кўриб чиқади. Ўқитувчида интровертлик хусусиятлари яққол намоён бўлади. Талабалар томонидан билимлар паст даражада ўзлаштирилиши мумкин.

Бўлажак ўқитувчиларнинг саноген тафаккурини ривожлантириш билан боғлиқликлда ўқитувчи юқорида келтирилган мuloқот услубларидан уйғун ҳолатда фойдаланиши тавсия этилади. Чунки, ўқув топшириқларини ўзлаштиришда қаттиқўлликка асосланса, ўзаро шахслараро муносабатда мuloқот шахсий-инсонпарвар ёндашув асосида ташкил этилса ҳамда либерал услубдан фойдаланган ҳолда талабаларнинг мустақиллиги ва эркин фикрлаши учун шароит яратиб берилиши ижобий ютуқларнинг кўпайишига олиб келади.

Саноген тафаккурни ривожлантиришда мuloқот жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлган педагогик таъсир этиш методлари мазкур жараён самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи томонидан педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий методларига қуидагилар киради: талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолаш, ишонтириш [18, 56-б.].

## XULOSA

Саноген тафаккур мазмуни бўйича келтирилган мuloҳазалар ва берилган таърифлардан келиб чиқсан ҳолда унинг қуидаги ўзига хос педагогик-психологик хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ўз фикрларини ташқи ифодалай олиш, яъни экстериоризацияниянинг намоён бўлиши;



- фикрлаш жараёнида интериоризация (ички қабул қилиш)нинг намоён бўлиши;
- фикрлашда ноодатийлик (импровизация) ва ижодкорлик;
- фикрлашнинг рефлексивлиги ва позитив фикрлаш;
- фикрлашда шахсий рефлексия ва мустақилликнинг намоён бўлиши;
- фикрий ҳаракатларнинг уйғун амалга оширилиши (ешитиш, нутқ ва ҳаракат);
- фикрлашдаги мослашувчанлик;
- фикрлаш жараёнида ўз-ўзини ишонтириш ва назоратнинг юқорилиги;
- фикрлаш жараёнида эмоционаллик ва ақлий ёндашувнинг уйғулиги.

Демак, бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш учун ўқитувчи таълим жараёнида талабаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини, ақлий имкониятларини, ақлий ўсиш кўрсаткичиларини, мазмундорлиги, фикрнинг теранлиги ва чуқурлиги, ташаббускорли ва сермаҳсуллиги, талабанинг ўқув фанларига қизиқишини, нутқ маданияти ва сўз бойлигини, шахсий позиция ва нуқтаи назари, эътиқоди ва дунёқарашини инобатга олиши лозим. Шунингдек, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини - ўзи назорат қилиш, ўзини – ўзи баҳолаш, саломатлиги ҳақида қайғуришига, билимлар тизимининг даражасига, фикр юритиш шаклига (ижобий, позитив, ижодий, креатив, диалектик), мантиқ операцияларига (асослаш, исботлаш, далиллаш, ишонч ҳосил қилиш) алоҳида эътибор бериши талаб этилади.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Valerie Lesniak. An Integrative Model of Spiritual Formation: A Work Always in Process. // Reflective Practice: Formation and Supervision in Ministry ISSN 2325-2855 © Copyright 2013 Reflective Practice: Formation and Supervision in Ministry All rights reserved.
2. Атаканова С. Инновацион таълим жараёнида тафаккур // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 2014. – №5/4. – Б.5.
3. Васильева Т. Н. Формирование саногенного мышления младшего школьника: Учеб. пособие. – Калининград: Калинингр. гос. ун-т, 1997. – 46 с.
4. Гребенюк О.С., Гребенюк Т.Б. Основы педагогики индивидуальности. Учебное пособие. – Калининград, 2000. – 562 с.
5. Дюи Дж. Психологическая и педагогическая мышления. – Москва, 1998. – 340 с.
6. Ильин Е.П. Мотивация и мотивы. – СПб.:Питер, 2006. – 512 с.



7. Исмаилов М. К. Рефлексив ёндашув асосида талабаларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг эмпирик таҳлили // Современное образование (Узбекистан). – 2021. – №. 3 (100). – С. 46-52.

8. Исмаилов М. К. Проблемы развития саногенного мышления у будущих учителей // International scientific review of the problems of philosophy, psychology and pedagogy. – 2020. – С. 39-44.

9. Ismailov M. K. Talabalarda sanogen tafakkurni rivojlantirish komponentlari va uning pedagogik-psixologik xususiyatlari // Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 8. – С. 509-522.

10. Каримова В.М., Суннатова Р.И., Тожибоева Р.Н. Мустақил фикрлаш. Ўқув қўлланма). – Т.: Шарқ, 2000. – 112 б.

11. Морозюк С.Н. Акцентуации характера и саногенная рефлексия. Монография. – М., 2013 – 243 с.

12. Морозюк С.Н. Саногенная рефлексия как фактор оптимизации акцентуаций характера и повышения эффективности учебной деятельности. Док.псих.наук ... дисс. – Москва, 2001. – 382 с.

13. Мусаев Ж. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш. Монография. – Т., 2010. – 114 б.

14. Оила психологияси. Ф.Б.Шоумаров таҳр.ост. дарслик. – Т.: Шарқ, 2001. – 272 б.

15. Опарина В.Н. Развитие саногенной рефлексии в самостоятельной работе студента. Автореф. канд. дисс. М., 2008. – 25 с.

16. Орлов Ю. М. Оздоравливающее (саногенное) мышление / составитель А. В. Ребёнок. Серия: Управление поведением, кн.1. — Издание 2-е изд., исправленное. – М.: Слайдинг, 2006. – 96 с.

17. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш. Пед.фан.док...дисс. – Т., 2016. – 314 б.

18. Холиқов А. Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010. – 312 б.

